# XALQARO MUNOSABATLAR

IQTISOD

SIYOSAT

HUQUQ

№1

2000

МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ

INTERNATIONAL RELATIONS

*Ushbu sonda:*


- *Б.А.Хужаев.*
  *ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ТУЗИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ*
- *U. T. Shamsibaev.*
  *CONDITION AND PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN WITH THE EUROPEAN UNION*
- *Д.С.Абиджанова.*

# ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ - ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

*Биз шунга аминмизки, мамлакатимизда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган фаровон демократик давлат барпо этишдек олий мақсадга эришмогимиз учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш зарур.*

ИСЛОМ КАРИМОВ
*Ўзбекистон Республикаси Президенти*

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан*

# МУНДАРИЖА

**КОМИЛОВ А.Ҳ.** Мустақиллик тимсоли . . . . . 3

*ИҚТИСОДИЁТ*

**ХЎЖАЕВ Б.** Эркин иқтисодий зоналар тузишнинг жаҳон тажрибаси . . 7

**МАХМУДОВ Э.Р.** Особенности, основные тенденции и формы прямых зарубежных инвестиций в развивающиеся страны . . . . . 14

**ШОДИЕВ Р.Х.** Ўзбекистон экспорт салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари . . . . . 23

**SHAMSIBAEV U.T.** Condition and Problems of Development of Foreign Trade of the Republic of Uzbekistan with the European Union . . . . . 27

**ЭРГАШЕВ Б.** Методологические проблемы измерения уровня инфляции . . . . . 36

*ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР*

**NIGAI S.L.** The Republic of Uzbekistan: Traditions and Contemporaneity in Dynamics of People's Development in Conditions of Independence . . . *40*

**АБИДЖАНОВА Д.С.** Средняя Азия в исследованиях ученых Европы и США . . . . . 47

**ИСМАИЛОВ Ю.** Социально-политические изменения и менталитет . . 52

*ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ*

**ТИЛЛАБОЕВ М.А.** Становление и развитие института омбудсмана . . . . . 58

*МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ*

**АБДУЛЛАЕВ И.З.** Информатизация общества и системы образования . . . . . 68

**ХОНАЗАРОВ Қ.Х.** Маънавият - талабалар тарбиясининг асоси . . . . 70

**МАҲМУДОВА Г.Т.** Миллий мафкуранинг манбалари ва истиқболлари . . . . . 76

# МУСТАҚИЛЛИК ТИМСОЛИ

**А.Ҳ. КОМИЛОВ**
***Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори***

*Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат сиёсати чин демократик ҳуқуқий мамлакат қуришга, одил фуқаролик жамияти барпо этишга, бутун дунё халқлари билан тенг асосда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишни кучайтиришга қаратилган бўлиб, бу мақсадлар йўлида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи ватанпарвар, фидоий, билимдон, бутун дунё андозалари даражасидаги халқаро мутахассис кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.*

*Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг Президентимиз И.А. Каримов ташаббуси билан мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий тузилмаларида ишлаш учун кадрлар тайёрловчи ва уларнинг малакасини оширувчи олий ўқув юртини ташкил этиш бўйича ишлар бошланди.*

*Шунинг натижаси ўлароқ, 1992 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан ташкил этилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мамлакатимиз мустақиллигининг ўзига хос тимсоли бўлиб қолмоқда.*

*Университет ташкил топган биринчи кунлардан бошлаб жаҳон талаблари даражасида кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Дунёдаги энг машҳур олий ўқув юртларининг илғор тажрибалари ўрганилиб, университетда ўқув жараёни ана шундан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди.*

*Бугунги кунда университетда учта факультет, Тил маркази мавжуд бўлиб, уларда 24 та кафедра фаолият кўрсатмоқда.*

*Халқаро муносабатлар факультетида "Халқаро муносабатлар" йўналиши бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади. Университет мамлакатимизда ушбу мутахассислик бўйича магистрлар тайёрловчи ягона олий ўқув юрти ҳисобланади. Халқаро муносабатлар бўйича магистратура битирувчилари аспирантурада, кейинчалик докторантурада 23.00.04 - «Халқаро тизимларнинг ва глобал тараққиётнинг сиёсий муаммолари», "Халқаро тизим ва кенг миқёсда ри-*

вожланишнинг сиёсий муаммолари", «Халқаро тизимлар ва умумжаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари» мутахассисликлари бўйича таълим оладилар.

Халқаро иқтисодий муносабатлар факультети "Халқаро иқтисодий муносабатлар" йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлайди. Шу билан бирга факультетда "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Мазкур ихтисослик бўйича аспирантура ва докторантура ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро ҳуқуқ факультети "Халқаро ҳуқуқий муносабатлар" йўналиши бўйича бакалаврлар, халқаро ҳуқуқ бўйича магистрлар тайёрламоқда. Шунингдек, 12.00.10 - "Халқаро ҳуқуқ" мутахассислиги бўйича аспирантура ва докторантура ҳам мавжуд.

Университетда чет тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, инглиз, немис, француз, итальян, испан, япон ва корейс тиллари ўқитилади. Ҳар бир талабадан камида иккита хорижий тилни мукаммал ўзлаштириш талаб қилинади. Университетнинг хорижий тилларни ўргатиш маркази қошида Франция, Германия, Япония, Корея каби илғор мамлакатларнинг марказлари очилган бўлиб, бу ерда талабалар нафақат хорижий тилларни ўрганадилар, балки чет мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёти билан ҳам яқиндан танишадилар. Хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, машҳур кишилари билан учрашувлар ўтказиш университетда анъанага айланган.

Талабалар ва ўқитувчилар ихтиёрида 400та компьютер, "Интернет" синфлари, 200 минг атрофида илмий, ўқув ва ўқув-услубий рисолалар, шу жумладан 15 мингдан зиёд ғарбий европа тилларидаги адабиётлар мавжуд. Кутубхона электрон каталог билан жиҳозланган.

Ҳозирги кунда университетда 26 нафар профессор ва 72 нафар доцент, 210 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда.

Университетда "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар", "Халқаро тизим ва кенг миқёсда ривожланишнинг сиёсий муаммолари" ихтисослиги бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш учун ихтисослаштирилган кенгаш иш олиб бормоқда.

1998 йил сентябр ойидан талабаларни ижодий жараёнга фаол жалб этиш мақсадида "Ёш аналитик" илмий-тадқиқот клуби ўз фаолиятини бошлади.

Айниқса, университетда халқаро алоқаларни ривожлантиришга алоҳи-

да эътибор қаратилган бўлиб, халқаро иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ташкилотлар, илғор хорижий университетлар ва илмий марказлар, элчихоналар, консуллик, савдо-сотиқ ва бошқа ваколатхоналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Жумладан, университет бугунги кунда дунёдаги энг машҳур олий ўқув юртлари: Вестминстер университети, Лондон дипломатик академияси, Александер университети (Нюрнберг-Эрланген), Вена дипломатик Академияси, Васеда университети (Токио), Рим Дипломатия институти, Нью-Йорк штатидаги университет, Оклахома штатидаги университет, Пекиндаги халқаро муносабатлар университети билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳозирги вақтда ЖИДУнинг 160 дан ортиқ талабалари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва Япониянинг етакчи университетларида таълим олмоқдалар. Университетда жаҳон иқтисодиёти, дипломатия ва халқаро ҳуқуқ соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш, уларни умумлаштириш ва амалиётда қўллаш кенг йўлга қўйилган. Мамлакатимизнинг Таълим тўғрисидаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрловчи узлуксиз таълимни назарда тутиб, тизимни, таълимни ривожлантиришда янги босқични очиб берди.

Узлуксиз таълим тамойилларидан бири иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларга узлуксиз равишда фундаментал ва махсус билимларни энг юқори даражада эгаллашга шароитлар яратиб беришдир. Шу мақсадда мамлакатимизда янги турдаги ўрта махсус ўқув юртлари - академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилмоқда.

1999-2000 ўқув йилидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошида академик лицей ўз фаолиятини бошлади. Лицейни ташкил этишда Британия Кенгаши фаол иштирок этмоқда. Лицейда таълим инглиз тилини интенсив ўқитиш асосида олиб борилади. Шунингдек, лицей ўқувчиларига халқаро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ ва халқаро иқтисодий муносабатлар каби йўналишлар бўйича чуқур, фундаментал таълим берилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги муаммолари ва барқарор ривожла-

*ниш шароитлари" мавзуида ягона илмий йўналиши белгиланган бўлиб, унга асосан университетда қуйидаги соҳалар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда:*

*- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ҳудудий хавфсизлик муаммолари;*

*- бозор иқтисодиётининг умумий ҳуқуқий асослари ва халқаро ҳуқуқ тизимларига интеграция йўллари.*

*Республика Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида университетда ахборот ва компьютер таълим тизимларини яратиш ва амалда жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда.*

*Бу илмий-тадқиқотларнинг натижаларини ёритиб бориш мақсадида университетда "Халқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ" номли илмий журнал ташкил этилди. Журнал нафақат университет профессор-ўқитувчилари, аспирант ва докторантларига, балки халқаро муаммолар билан шуғулланаётган барча тадқиқотчиларга ўз илмий изланишлари натижаларини нашр этиш учун кенг имкониятлар очиб беради.*

*Бундан ташқари, журналимиз саҳифаларида мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда хорижий мамлакат ўқув ва илмий-тадқиқот марказлари мутахассисларининг ишларини чоп этиб бориш ҳам кўзда тутилади.*

*Шунингдек, журнал илғор тадқиқотчилар, сиёсатчи ва дипломатлар орасида илмий фикр алмашувга, кенг жамоатчиликка мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини яхшироқ тушунишга, ташқи иқтисодий алоқалар келажаги, халқаро долзарб муаммоларни чуқурроқ англашга имкон беради.*

*"Халқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ" илмий журналининг чоп этилиши мамлакатимизда халқаро муаммолар билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини юқори даражага кўтариш, Ватанимизнинг ташқи алоқаларини юксалтириш, халқаро муносабатлар соҳасида кадрлар тайёрлашни чуқурроқ ўрганиш учун, шубҳасиз, кенг имкониятлар яратади.*

# ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ТУЗИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

***Б.А.ХЎЖАЕВ***
***Иқтисод фанлари доктори, профессор.***

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш мамлакатимизнинг ижтимоий-демографик хусусиятларига асосланган бўлиб, унда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг шок терапиясига йўл қўйилмайди. Ислоҳотларнинг дастлабки даврида жуда ҳам чуқур ўзгаришлар амалга оширилди. Бунда давлатнинг ўзи ташаббускор бўлиб, иқтисодий ислоҳотлар устидан кучли назорат ўрнатилди, ижтимоий йўналтирилган объектив шарт-шароитлар таъминланди.

Ўзбекистон Республикасида жамиятни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, мамлакатимиз иқтисодиётининг амалдаги барча соҳалари изчил ривожланишининг кафолатлари мавжуд. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш тегишли қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Ишлаб чиқилган конституциявий-ҳуқуқий механизмлар иқтисодий ислоҳотлардан воз кечмасликни, уларни албатта амалга ошишини таъминлайди.

Мамлакат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эркин иқтисодий зоналарни тузиш бўлиб, уларга ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил чуқурлаштиришнинг асосий омилларидан бири сифатида қараш мумкин. Шунга кўра Республикамизда эркин иқтисодий зоналар тузишнинг молиявий, бож тартиботи ва бошқариш механизмлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонунида эркин иқтисодий зона – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари, алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир деб кўрсатилган.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар хўжалик, молиявий ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилган фаолият турлари бундан мустасно.

Республика ҳудудида эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори билан тузилади. Эркин иқтисодий зонанинг мақоми ва чегаралари, шунингдек, унинг қанча муддатга тузилиши ҳар бир иқтисодий зона бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидаги эркин иқтисодий зоналарнинг қонунда белгиланган турларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган Эркин иқтисодий зоналарнинг турлари ва таснифи**

| Эркин иқтисодий зонанинг турлари | Таснифи |
|---|---|
| Эркин савдо зоналари | Эркин савдо зоналари консигнация омборлари, эркин божхона зоналари, шунингдек, товарларга ишлов бериш, уларни ўраш-жойлаш, саралаш, сақлаш зоналарини ўз ичига олади.<br>Эркин савдо зоналари чегарага туташ пунктлар, аэропортлар, темир йўл тармоқлари ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг бошқа жойларида тузилади. |
| Эркин ишлаб чиқариш зоналари | Эркин ишлаб чиқариш зоналари – тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудуддир.<br>Эркин ишлаб чиқариш зоналари экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналари, агрополислар, тадбиркорлик ва бошқа эркин зоналарни ўз ичига олади. |
| Эркин илмий-техник зоналар | Эркин илмий-техник зоналар алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади.<br>Эркин илмий-техник зоналар юксак технологияга амал қиладиган зоналар, технопарклар, минтақавий инновация марказлари-технополислар шаклида ташкил этилади. |

Эркин иқтисодий зоналар тузиш фаолияти бўйича жаҳон амалиётида катта тажриба тўпланган. Бундай тажриба Республикамизда эркин иқтисодий зоналарни тузишда, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, молиявий ресурслар билан таъминлашда, иқтисодий, ҳуқуқий имтиёзлар тартиботини тўла жорий этишда, мамлакатнинг бошқа минтақалари билан ўзаро муносабатларни тартибга солишда катта аҳамият касб этиши табиийдир.

Жаҳондаги эркин иқтисодий зоналар фаолиятига кузатадиган бўлсак, 1973 йилда Киото шаҳрида ўтказилган конвенция эркин иқтисодий зоналар халқаро тартиботини белгилаб берди. Ушбу конвенция ҳужжатларида эркин иқтисодий зона тушунчасига таъриф берилди. Ҳужжатларда қайд этилишича, эркин иқтисодий зона (ёки Франко зонаси) мамлакат ҳудудининг айрим қисмларида товарларга бож экстерриториаллиги принципи жорий этилиб, бундай зона миллий бож тизимидан ташқаридаги ҳудуддир. Эркин иқтисодий зона қонун билан (Ҳукумат ёки Парламент қарори билан) белгиланган мустақил давлатнинг бошқа қисмларига нисбатан берилган алоҳида имтиёзли ҳуқуқий мақомга эга бўлган бир қисм бўлиб, у чекланган ҳудуд ёки ҳудудий-маъмурий бирликлар (шаҳар, денгиз портлари, аэропортларда) иқтисодий-савдонинг имтиёзли тартибот тизимлари доирасида бошқарилади. Эркин иқтисодий зонада хўжалик юритиш ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг алоҳида имтиёзли тартиботлари амал-

да бўлади. Мамлакат ва чет эл тадбиркорлари учун инвестициялар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, экспорт-импорт операциялари бўйича имтиёзли иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади.

Турли шаклдаги эркин иқтисодий зоналар тузиш XX асрнинг иккинчи ярмида кенгайди ва ҳозирда жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатида эркин иқтисодий зоналар турли шаклда фаолият кўрсатмоқда. 50-йилларда Ирландияда Шенон аэропорти алоҳида зона сифатида фаолиятини бошлаган бўлса, 90-йилларга келиб бундай зоналар сони 600 дан ошиб кетди.

Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий зоналарни тузишга икки нуқтаи назардан қаралади:

1. Алоҳида ҳуқуқий қонунлар тартиботи амал қиладиган ҳудудларда эркин иқтисодий зоналар тузиш;
2. Муайян шартларга амал қилинганда бериладиган имтиёзлар тартиботи бўлиб, унда кўплаб ички ва ташқи омилларни ҳисобга олиш талаб этилади.

Мамлакатларнинг эркин иқтисодий зоналар тузишдан мақсади ҳам турли-туман бўлиб, асосан иқтисодий сиёсатда қўйилган вазифалар ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар билан бевосита боғлиқ. Шунга кўра эркин иқтисодий зоналар тузишдан мақсад ва вазифаларни **иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий** қисмларга бўлиш мумкин.

**Эркин иқтисодий зоналар тузишнинг мақсад ва вазифалари**

| Иқтисодий | Ижтимоий | Илмий-техник |
|---|---|---|
| ♦ Миллий ва чет эл инвестициясини жалб этиш;<br>♦ Тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш;<br>♦ Минтақа ва давлат бюджетига валюта киримларини таъминлаш;<br>♦ ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиш шаклларини кенгайтириш. | ♦ қолоқ минтақаларнинг ривожланишини жадаллаштириш;<br>♦ аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш жойларини ташкил этиш;<br>♦ юқори малакали ишчи кучи қатламини ташкил этиш;<br>♦ ички бозорни юқори сифатли моллар билан тўлдириш. | ♦ Миллий ва чет эл илғор технологияларини жалб этиш;<br>♦ Инновацион ва жорий этиш жараёнларини жадаллаштириш;<br>♦ Чет эл мутахассислари ва олимларини жалб этиш;<br>♦ Ишлаб чиқариш имкониятларидан ва инфраструктура комплексларидан самарали фойдаланиш |

Жаҳон тажрибасига кўра эркин иқтисодий зоналарни тузишда қуйидаги тамойилларни кўрсатиш мумкин:

- **Мотивация** – иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий вазифаларни, уларнинг техник-иқтисодий дастурини ишлаб чиқиш ва асослаш;
- **Тарихий тажриба** – жаҳон тажрибасини тўплаш, умумлаштириш, илғор тажриба ва ғояларни самарали ўзлаштириш;
- **Давлатнинг иқтисодий сиёсатдаги роли** – бозор муносабатларини, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишнинг ташкилий – таркибий элементи ва мамлакатга чет эл капиталини жалб қилишдаги

рақобатни енгишнинг шаклларидан бири сифатида;

- **Зарурий шарт-шароитлар** – сиёсий барқарорлик, давлатнинг қонуний-ҳуқуқий кафолатлари.

МДҲ мамлакатларида ҳам эркин иқтисодий зоналар тузиш бўйича сўнгги йилларда анча тажриба тўпланди. Хусусан, Россия, Беларусь ҳамда Қозоғистон каби давлатларда турли шаклдаги эркин иқтисодий зоналар бор. Лекин мавжуд сиёсий, иқтисодий муаммолар эркин иқтисодий зоналар олдидаги вазифаларни тўлиқ рўёбга чиқаришга йўл қўймайди. МДҲ мамлакатлари эркин иқтисодий зона тузиш жараёнига салбий таъсир этувчи ички ва ташқи депрессив омиллар исканжасида бўлиб, бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

- сиёсий, беқарорлик, иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич ўтказилмаганлиги, миллий пул қадрсизлиги;
- ривожланган инфраструктура ва коммуникациянинг йўқлиги;
- юқори малакали ишчи кучининг етишмаслиги ва ҳаёт даражасининг пастлиги;
- сифатли хом ашё ва ярим фабрикатларнинг танқислиги.

Эркин иқтисодий зоналар тузиш, уларнинг ижтимоий –иқтисодий натижалари, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларда мавжуд бўлган муаммоларни Хитой Халқ Республикаси мисолида қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш мамлакатда бевосита 1978 йилда бошланган иқтисодий "очиқ эшиклар" сиёсатининг пировард натижаси бўлиб, бунинг натижасида режали иқтисодиёт билан параллел равишда алоҳида ҳудудда бўлса-да бозор муносабатларини шакллантириш имконига эга бўлинди. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини 30 дан ортиқ қонуний ва норматив ҳужжатлар тартибга солиб турди.

Хитойда эркин иқтисодий зоналар ривожланиши қатор объектив омилларга асосланган бўлиб, улар қуйидагича:

- ишчи кучининг арзонлиги ва ортиқчалиги, қулай географик жойлашув (денгизга чиқиш, портларнинг мавжудлиги) туризмни, металлургияни, тропик деҳқончиликни ривожлантириш учун қулай табиий ресурслар;
- 1978 йилдан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва очиқ сиёсий йўналиш, чет эл капитали учун ҳуқуқий кафолатлар, иқтисодий имтиёзлар, бутун мамлакатдан зоналарни ривожлантириш учун сармояларнинг оқиб келиши.

ХХРда эркин иқтисодий зоналарни молиялаш дастлабки вақтларда асосан давлат зиммасида бўлиб, бунда эркин иқтисодий зоналар тузишнинг биринчи босқичини, замонавий инфратузилмани, коммуникация тармоқларини ташкил этишга маблағ ажратилган. Бу босқичда молия, банк, суғурта ташкилотларининг салмоғи кенгайди, авто ва темир йўл магистраллари, аэропортлар ва денгиз портлари қайта жиҳозланди, янгилари ишга туширилди, туризм, ма-

даний ва ижтимоий коммунал хизмати тубдан қайта ташкил этилди. Иккинчи босқичда асосий эътибор саноат корхоналарини ривожлантириш, иқтисодиёт даражаси ва самарасини оширишга қаратилди. Бажарилган ишлар натижасида чет эл капиталининг салмоғи бир неча ўн баробарга ошди. Қўшма корхоналарнинг экспорт ҳажмидаги ҳиссаси кўтарилди. Учинчи босқич хитойлик мутахассисларнинг фикрича, 90-йилларнинг бошларига тўғри келади. Бу босқичда ишлаб чиқариш технологик қайта таркибий тузилиб, юқори технологияга ўтиш, илм-фан, сиғими юқори маҳсулотлар ҳажмининг ўсиши ва рақобатбардошлиги таъминланмоқда.

Хитойда эркин иқтисодий зоналарни тузишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлди:

- бозор муносабатларининг тамойиллари асосида мустақил иқтисодий ривожланиш;
- чет эл капитал қўйилмаларига таяниш;
- дастлабки босқичда ҳар қандай чет эл капиталларини жалб қилиш (1989 йилгача): кейинги босқичларида саноатга йўналтириш;
- ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлиги, импорт хом ашёни кенг жалб этиш.

ХХРда эркин иқтисодий зоналар фаолиятида Марказий ҳукумат ва мамлакатнинг ички вилоятлари билан муносабат алоҳида ўрин тутади. Бу, биринчи навбатда, сиёсий муносабатларда кўринса, кейингиси иқтисодий қарама-қаршиликларда намоён бўлади. Аммо бу соҳаларда мавжуд муаммолар ижобий ҳал қилиб келинмоқда.

**Хитойда Эркин иқтисодий зоналар ва Марказнинг ўзаро муносабати**

| Эркин иқтисодий зона | Марказ |
|---|---|
| ♦ Иқтисодий бошқарув ва тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилишда вилоят ҳукумати ҳуқуқига эга.<br>♦ Давлатнинг марказлашган капитал қўйилмаларидан воз кечиш.<br>♦ Бозорни тартибга солиш устивор; асосий моллар ва хизматларга бозор нархлари.<br>♦ Жаҳон ва ички кредит бозоридан, ўз мажбуриятларига жавоб берган ҳолда Марказ лимити бўйича чет элда облигациялар жойлаштириш. | ♦ **Бир қанча асосий йўриқ кўрсаткичларни ўрнатади:**<br>♦ Йиллик молиявий даромад, марказлашган тартибда олинадиган ва бериладиган муҳим саноат маҳсулотлари бўйича ишлаб чиқариш ва таъминот ҳажми; марказий бюджетга бир неча йил мобайнида барқарор ажратмалар нормативи. Кредит ва пул эмиссиясининг лимитлари.<br>♦ Темир йўл, денгиз, авиация юкларини ташиш, почта-телеграф хизмати, уй-жой, сув, электроэнергияга ягона давлат нархлари. |

Хитойда қонуний-ҳуқуқий ва методологик асосларнинг мавжуд эмаслиги 80-йилларнинг бошида уч вилоятда 5 йирик махсус иқтисодий зоналар шакланишининг фаол жараёнига халақит бермади. 1984-1993 йиллар мобайнида аввалларида денгиз бўйларида, сўнг мамлакат ичкарисида 32 техник-иқтисодий зоналар ташкил этилди. Лекин кейинроқ янги зоналар ташкил этилмади. Бу катта ҳудудларда жойлашган кўп сонли махсус иқтисодий зоналарнинг бозор иқтисодиёти асослари билан ўзаро мутаносиб ривожланишида пайдо бўлган муаммолар билан боғлиқ.

1992 йилдан техник-иқтисодий зоналар билан бир вақтда йирик ва ўрта шаҳарларда янги ва юқори технологияли зоналар ташкил этилди. Шунингдек, 15 дан ортиқ ташқи дунёга «очиқ дераза» бўлган эркин савдо зоналари (бошқа мамлакатлардаги эркин портлар, эркин савдо ҳудудлари сингари) ривожлантирила бошлади. Шулардан фақат биттаси мамлакат ичкарисидаги дарё портида, қолганлари денгиз портларида жойлашган. 1992 йилдан Хитойнинг қўшни давлатларга нисбатан географик ҳудудларда жойлашган 14 шаҳри очиқ чегарали шаҳар мақомини олди ва қўшни мамлакатлар билан ўзаро фойдали иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини амалга оширмоқда. 1990 йилдан Хитойнинг Хуанхэ ва Янцзи дарёлари атрофи бўйлаб янги очиқ иқтисодий зоналар тўплана бошлади ва давлат томонидан қўшимча равишда имтиёзлар (чет эллик тадбиркорларга молиявий ташкилотлар, катта дўконлар ва бошқа корхоналар очиш имкони) берилди.

Хитойнинг ички вилоятларига нисбатан эркин иқтисодий зоналар сезиларли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга эришди. Зоналарда аҳолининг бандлиги, ҳаёт даражаси, ишчи ва хизматчиларнинг малакаси мамлакатнинг бошқа вилоятларидан тезроқ ўсди. 1997 йилда мавжуд бешта эркин иқтисодий зонада умумий импорт-экспортнинг ҳажми 65,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди.

80-йилларда Хитой режали иқтисоддан воз кечмаган ҳолда эркин иқтисодий зоналар асосида жаҳон бозори билан ўзаро муносабатларнинг ўзига хос тажрибасини орттирди. Иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий усулларини татбиқ этиш, ташқи иқтисодий фаолиятни қайта қуриш ва мамлакатнинг бутун иқтисодиётини ислоҳ қилишни рағбатлантирди. Ҳозирги вақтда ХХР хўжалик раҳбарлари ва иқтисодчи олимларнинг фикрларига кўра эркин иқтисодий зоналар ўзларининг авангард ролини сезиларли даражада йўқотган, иш юритишнинг амалиёти ва усуллари сезиларли даражада янгиланишни талаб қилмоқда.

Хитойнинг эркин иқтисодий зоналар учун салбий кўринишга эга бўлган тенденцияларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- 80% чет эл сармояси келиб чиқиши хитой бўлган Гонгконгликларга тегишли. Йирик масштабли техник жиҳатдан замонавий корхоналар қуриш имкониятига эга бўлган Трансмиллий корпорациялар капитали асосан Хитойнинг бошқа вилоятларига йўналтирилмоқда.
- Эркин иқтисодий зоналардан Хитойнинг бошқа ҳудудларига капиталнинг оқиши сезилмоқда;
- Ҳозиргача жорий этилаётган чет эл технологияси даражаси юқори эмас, хитойлик ишчиларнинг малакаси пастлигича қолмоқда, мутахассисларга танқислик сезилмоқда;
- Эркин иқтисодий зонада қўшма корхоналарни тузиш ва бошқариш

ХХРнинг ички вилоятларига нисбатан ўртача 5 баробар қимматга тушмоқда ва бу чет эл капиталини жалб қилишга салбий таъсир этмоқда.

- Хом ашё ва энергия танқислиги;
- Чет эллик тадбиркорлар томонидан асбоб-ускуна тарзидаги қўйилмалар юқори нархларда белгиланмоқда;
- Эркин иқтисодий зоналар бўйича ягона қонуннинг йўқлиги, қўшма корхоналар тузишда, ишлаб чиқариш фаолиятида мавжуд бўлган бюрократик тўсиқлар.

Ҳозирда Хитойда эркин иқтисодий зоналар келажаги фаол баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Халқаро савдо ташкилотлари бутун мамлакат бўйлаб ягона савдо тартибини жорий этишни талаб этади. Шунга кўра эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий мақомини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Бундан ташқари инвесторларга имтиёз беришнинг ҳудудий принципидан тармоқ принципига ўтиш масаласи борган сари кўтарилмоқда. Бир қатор экспертлар умуман эркин иқтисодий зоналар тузишга, уларга иқтисодий ёки ҳуқуқий имтиёзлар берилишига қарши чиқмоқдалар. Бунга минтақавий лоббизм сифатида қараб, мамлакат ички бозорининг бутунлигига хавф солади деб ҳисобламоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг изчил чуқурлашиши, миллий иқтисодиётни интенсив ривожлантириш ва уни тобора модернизациялашда ихтисослашган эркин иқтисодий зоналар тузишнинг катта салоҳияти бор. Шу билан бирга, халқаро амалиёт ҳар қандай турдаги эркин иқтисодий зонани тузиш учун олдиндан техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишни, эркин иқтисодий зоналарнинг макроиқтисодий жараёнда самаралигини . иқтисодий моделлаштириш, иқтисодий натижаларнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олишни тақозо этади.

# ОСОБЕННОСТИ, ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ФОРМЫ ПРЯМЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИВАЮЩИЕСЯ СТРАНЫ

***МАХМУДОВ Э.Р.***
***доцент кафедры***
***мировой экономики УМЭД***

Характерной особенностью современного этапа развития мировой экономики, тенденцией, определяющей ее количественные и качественные характеристики, является углубление интернационализации. Происходят дальнейший рост масштабов и углубление международной специализации производства, оптимизируются народнохозяйственные структуры и масштабы рынка сбыта для национальной продукции и т.д.

Понятие «национальная экономика» уже давно вышло за рамки государственных границ. Для компаний экономически развитых государств все большее значение приобретают зарубежные рынки. Стремительно увеличивается количество транснациональных корпораций (ТНК) и растут масштабы их международных операций.

В 1996 г. в мире насчитывалось 53 607 корпораций, в том числе 43 442 (81%) – в развитых странах; количество зарубежных филиалов - соответственно 448 917 и 96 620[1]. Продажа товаров и услуг зарубежными филиалами в 1997 г. оценивалась в 9,5 трлн. долларов США, и эти операции росли намного быстрее, чем общемировой экспорт товаров и услуг (6,4 трлн. долларов)[2]. Значительно возросла доля зарубежных операций в общей деятельности корпораций.

В 1996 г. на зарубежные активы 100 крупнейших корпораций развитых стран мира приходилось около 43,1% общей стоимости их имущества, на продажи за рубежом – 52,1% и занятость в зарубежных филиалах – 50,4% общей занятости на их предприятиях[3].

Форсированное развитие ТНК и расширение масштабов международных операций ведут к обострению борьбы между ними за новые рынки приложения капитала. При этом, несмотря на то, что доминирующая роль в большом бизнесе по-прежнему принадлежит корпорациям США (в 1996 г. им принадлежали 28 из 100 крупнейших корпораций развитых стран мира[4]), их позиции все более подвергаются натиску других национальных капиталов, прежде всего западноевропейского и японского. Так, за 1960-1987 гг. совокупная сумма продаж (оборота) ста крупнейших концернов мира выросла в 18,9 раза, в то время как доля США сократилась с 70,6 до 45%, стран Западной Европы увеличи-

[1] World Investment Report 1998: Trends and Determinants. UN, New York and Geneva, 1998.

[2] Ibid.
[3] Ibid.
[4] Ibid.

лась с 27,8 до 36,8% и Японии - с 1,6 до 12,4%, или в 7,8 раза[1].

В дальнейшем позиции США продолжали ухудшаться. В 1996 г. общая сумма оборота крупнейших корпораций составила 28,8%, стран Западной Европы - 35,2% и Японии - 32,2%.

Что касается суммы зарубежных продаж, то и здесь доля США составила всего 27%; корпораций Западной Европы - 38% и Японии - 26%[2].

Развитие конкурентной борьбы между ведущими центрами мирового хозяйства сопровождается новыми тенденциями в прямых зарубежных инвестициях (ПЗИ). В частности, опережающими темпами растет их приток в развивающиеся страны. И этот процесс не случаен. В последние 20-30 лет среди развивающихся стран, особенно Латинской Америки и Азии, растет число государств, отличающихся стремительным подъемом экономики и все более глубокой интеграцией в мировое хозяйство. Как видно из табл.1, темпы роста их экспорта и импорта заметно опережают аналогичные показатели по развитым странам.

Дешевые рабочая сила и сырье, принципиальные реформы в экономике, либерализация условий внешнеэкономических связей и создание благоприятных возможностей для зарубежных инвесторов способствовали интенсивному притоку сюда иностранного капитала и прежде всего – ПЗИ.

*Таблица 1*

***Темпы развития экспорта и импорта в основных регионах мира, 1995-1997 гг.(в % к показателю предыдущего года)***

| *Экспорт* | 1995 | 1996 | 1997 |
|---|---|---|---|
| Мир в целом | 9.0 | 5.0 | 9.5 |
| Развитые страны, в т.ч. | 7.6 | 4.2 | 8.8 |
| Япония | 4.0 | -0.5 | 9.5 |
| Соединенные Штаты Америки | 8.7 | 6.3 | 11.9 |
| Европейский Союз | 8.5 | 4.0 | 8.0 |
| Развивающиеся страны, в т.ч. | 11.5 | 6.0 | 11.5 |
| Африка | 5.0 | 7.0 | 5.5 |
| Латинская Америка | 12.0 | 11.0 | 12.5 |
| Южная и Восточная Азия | 13.0 | 6.5 | 10.5 |
| Китай | 17.5 | -1.0 | 20.5 |
| *Импорт* | 1995 | 1996 | 1997 |
| Мир в целом | 9.0 | 5.0 | 9.0 |
| Развитые страны, в т.ч. | 8.2 | 3.8 | 7.9 |
| Япония | 12.5 | 2.0 | 2.5 |
| Соединенные Штаты Америки | 7.0 | 5.7 | 12.0 |
| Европейский Союз | 7.5 | 2.5 | 6.5 |
| Развивающиеся страны, в т.ч. | 11.0 | 6.5 | 10.0 |
| Африка | 6.5 | 0.5 | 11.5 |
| Латинская Америка | 3.0 | 11.5 | 21.5 |
| Южная и Восточная Азия | 15.5 | 5.5 | 6.5 |
| Китай | 9.0 | 7.0 | 5.0 |

[1] Солюс Г.П., Кузнецова А.И. Развивающиеся страны в сетях финансовой зависимости. - М., 1990.

[2] Подсчитано по данным World Investment Report 1998.

* Источник: World Investment Report 1998; Trends and Determinants. UN, New York and Geneva, 1998.

Если в среднем со второй половины 80-х годов и до 1997 г. поток ПЗИ в мире в целом вырос в 2,5 раза, а в развитые страны – в 1,8 раза, то в развивающиеся – в 5,1 раза, в том числе страны Латинской Америки – в 5,9, Южной, Восточной и Юго-Восточной Азии – в 5,4 раза, в том числе в Китай – в 14,6 раза, Вьетнам – в 17,6 раза (табл. 2). Соответственно растет и их доля в общемировом процессе ПЗИ: с 29,1 до 37,2% за тот же период. Из 448 917 зарубежных филиалов ТНК мира на развивающиеся страны приходилось 230 696 (53,4%), в том числе: 330 (0,07%) – страны Африки, 21 174 (4,7%) –Латинской Америки и бассейна Карибского моря, 199 469 (44,4%) – Южной, Восточной и Юго-Восточной Азии, 2 486 (0,6%) – Западной Азии[1].

Значительное оживление вывоза капитала развитых государств в развивающиеся страны привело, в свою очередь, к серьезному обострению конкурентной борьбы за их рынки между ТНК основных стран-инвесторов, изменению географии и масштабов инвестиций.

В ПЗИ Соединенных Штатов Америки в 1995–1997 гг. доля развитых стран сократилась с 75,8 до 65% при заметном увеличении доли развивающихся государств – с 26,9 до 34,3% [2].

В целом развивающийся мир сегодня играет большую роль для экономики США и, как полагают специалисты, его значение возрастет еще более в следующем столетии. С 1987 г. более 2/3 роста американского экспорта приходится на упомянутые рынки, что обеспечивает стране появление около 2 млн. новых рабочих мест.

Вместе с тем и здесь обращают на себя внимание новые тенденции. В частности, относительное сокращение ПЗИ в страны Азии при одновременном их росте в регион Латинской Америки (с 17,4 до 20,8%)[3], где США продолжают оставаться основным зарубежным инвестором. Общий объем их прямых капиталовложений в регион в 1990–1995 гг. достиг почти 66 млрд. долларов США и составил 58% общего объема инвестиций в страны Латинской Америки.

Крупнейшими конкурентами американских ТНК являются корпорации Японии. Особенность зарубежного инвестирования последних заключается в том, что значительная часть прямых капиталовложений приходится на развивающиеся государства, прежде всего Азии и Латинской Америки. С конца 1985 по конец 1990 г. японские инвестиции в Азии увеличились в 2,5 раза, 70% ее зарубежной помощи предназначалось для Азии и Индийского субконтинента.

[1] Подсчитано по данным World Investment Report 1998.

[2] World Investment Report 1998,... Annex

[3] За тот же период доля Южной, Восточной и Юго-Восточной Азии выросла с 6,2 до 10,3%, Африки - 0,1 до 2,3% и Западной Азии осталась без перемен (1%)

*Таблица 2*

***Приток прямых зарубежных инвестиций по регионам и странам в 1986 - 1997 гг. (млн.долл. США)***

| Принимающие регионы / страны | 1986-1991 (в среднем за год) | 1992 | 1995 | 1997 | 1997 в % к 1992 | 1997 в % к среднего-довому показателю за 1986-1991 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Мир в целом | 159331 | 175841 | 331189 | 400486 | 227,8 | 251,4 |
| Развитые страны | 129583 | 120299 | 211465 | 233115 | 193,8 | 179,9 |
| в т.ч. Западная Европа | 66470 | 85837 | 122779 | 114857 | 133,8 | 172,8 |
| в т.ч. Европейский Союз | 63186 | 83794 | 116792 | 108172 | 129,1 | 171,2 |
| Северная Америка | 54674 | 23662 | 69596 | 98994 | 418,4 | 181,1 |
| Соединенные Штаты | 49088 | 18885 | 58772 | 90748 | 480,5 | 184,9 |
| Япония | 556 | 2756 | 41 | 3224 | 117,0 | 579,9 |
| Развивающиеся страны | 29090 | 51108 | 105511 | 148944 | 291,4 | 512,0 |
| Африка | 2869 | 3171 | 5136 | 4710 | 148,5 | 164,2 |
| Латинская Америка и страны бассейна Карибского моря | 9460 | 17611 | 31929 | 56138 | 318,8 | 593,4 |
| Азия | 16468 | 29651 | 67386 | 86923 | 293,2 | 527,8 |
| Западная Азия | 1329 | 1827 | -746 | 1886 | 103,2 | 141,9 |
| Южная, Восточная и Юго-Восточная Азия | 15135 | 27683 | 66571 | 82411 | 297,7 | 544,5 |
| Китай | 3105 | 11156 | 35849 | 45300 | 406,1 | 1458,9 |
| Южная Корея | 863 | 727 | 1776 | 2341 | 322,0 | 271,3 |
| Малайзия | 1605 | 5183 | 4132 | 3754 | 72,4 | 233,9 |
| Вьетнам | 68 | 385 | 2000 | 1200 | 311,7 | 1764,7 |
| Сингапур | 3592 | 2204 | 8210 | 10020 | 453,7 | 278,4 |
| Страны бассейна Тихого океана | 205 | 460 | 593 | 378 | 82,2 | 184,4 |
| Центральная и Восточная Европа | 658 | 4439 | 14214 | 18428 | 415,1 | 2800,6 |

* Составлена и подсчитана по данным: World Investment Report 1998; Trends and Determinants. UN, New York and Geneva, 1998, Annex.

После пика японских внешних прямых зарубежных инвестиций в конце 80-х – начале 90-х годов также имели место резкие перемены в их географии (Табл. 3).

*Таблица 3*

***Географическое распределение прямых зарубежных инвестиций Японии, 1993-1997 гг. (в %)***

| | Вывоз ПЗИ | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *1993* | *1995* | *1994* | *1996* | *1997* |
| Развитые страны | 69.8 | 62.0 | 67.3 | 64.9 | 63.1 |
| США | 40.9 | 42.2 | 44.1 | 45.8 | 38.5 |
| Европа | 22.0 | 15.2 | 16.7 | 15.4 | 20.8 |
| Развивающиеся страны | 30.2 | 38.0 | 32.7 | 35.1 | 36.9 |
| Африка | 1.5 | 0.8 | 0.7 | 0.9 | 0.6 |
| Латинская Америка и страны Карибского моря | 9.4 | 12.7 | 7.5 | 9.3 | 11.7 |
| Южная, Восточная и Юго-Восточная Азия | 18.4 | 23.6 | 24.0 | 24.2 | 22.6 |
| Китай | 4.7 | 6.2 | 8.7 | 5.2 | 3.7 |
| Западная Азия | 0.6 | 0.7 | 0.3 | 0.5 | 0.9 |

Как видно из табл. 3, за указанный период имело место снижение доли развитых стран, в том числе Европы и США, в ПЗИ Японии при заметном увеличении доли развивающихся государств (с 30,2 до 36,9%), и прежде всего Южной, Восточной и Юго-Восточной Азии.

В 1997 г. на развивающиеся страны Азии приходилось около 1/4 ПЗИ Японии. При этом доля Африки и Латинской Америки до 1997 г. продолжала в целом сокращаться. Тем не менее в связи с перестройкой экономики и совершенствованием макроэкономических условий в некоторых странах Латинской Америки имел место заметный рост прямых инвестиций Японии. Например, их поток в Бразилию вырос наполовину, в Мексику – утроился[1].

Необходимость приспособиться к глобальной конкуренции имеет следствием изменение отраслевой структуры ПЗИ страны Восходящего солнца, что, в свою очередь, оказывает воздействие на их географию и, прежде всего, интересы развивающихся стран. Дело в том, что сокращается прибыльность тех сфер экономики, которые являются приоритетными для них. В частности, в 1997 г. доля вложений ПЗИ в такие трудоинтенсивные производства, как текстильная промышленность (включая производство одежды и изделий из кожи), металлургическое и сталелитейное производство сократилась примерно вдвое по сравнению с серединой 1980-х годов. Вместе с тем ПЗИ в электронику и электронное оборудование стремительно выросли и в настоящее время составляют ведущую долю в промышленном секторе. Значительны сдвиги и в сторону услуг, а также недвижимости, финансов и страхования[2].

Вынося производства в развивающиеся страны, японские предприниматели преследуют ряд целей. Во-первых, они противодействуют падению конкурентоспособности своих товаров на внешних рынках, во-вторых,

Составлена по: World Investment Report 1998: Trends and Determinants. UN, New York and Geneva, 1998.

[1] World Investment Report 1998.

[2] Ibid.

решают стратегические задачи расширения и углубления международного производства, в-третьих, в условиях падения спроса внутри страны увеличивают инвестиции за рубеж, где это обещает получение большей прибыли. Тем более это актуально в современных кризисных для экономики страны условиях: в 1998 г. ожидалось сокращение промышленного производства еще на 6%[1].

В Западной Европе основным источником ПЗИ являются страны Европейского Союза: 92% вывоза и 94% ввоза инвестиций. В 1997 г. он был крупнейшим поставщиком прямых инвестиций в другие страны и регионы мира, почти на 2/3 опережая США.

Данные по вывозу ПЗИ из отдельных стран-членов ЕС также подтверждают растущую ориентацию в сторону развивающихся государств. Доля последних в общем объеме инвестиций из Евросоюза увеличилась с 10% в 1991 г. до 14% в 1993 г. и 17% в 1996 г. Здесь можно привести пример Германии, где доля развивающихся стран в вывозе ПЗИ увеличилась с 6% в 1991 г. до 12% в 1997 г.[2]

Примечателен тот факт, что страны ЕС уделяют все большее внимание развивающейся Азии. Согласно обследованиям ЮНКТАД, 34% фирм-респондентов из Европы заявили, что будут увеличивать ПЗИ в краткосрочные и среднесрочные проекты по сравнению с 19% для фирм Японии и США.

Помимо США, страны ЕС являются вторым важным источником ПЗИ в Латинскую Америку, где масштабы европейских инвестиций выросли особенно заметно за счет Испании, Германии и Великобритании. В основном они привлекаются в сферу услуг и промышленность стран MERCOSUR[3].

Что касается Африки, Международная финансовая корпорация (МФК), поддерживающая частный сектор, отмечает низкую перспективность континента с точки зрения иностранных инвесторов. Действительно, в 1997 г. доля этого региона в общем объеме вывоза ПЗИ в развивающиеся страны составила всего 3,2%. С целью стимулирования здесь хозяйственной активности МФК прилагает усилия, направленные в первую очередь на создание благоприятной среды для частного предпринимательства, реализацию программ стимулирования не только малого и среднего бизнеса, но и микропредприятий (неформального сектора по принятой классификации).

Всего в 1997 г. на развивающиеся страны пришлось почти 2/5 (149 млрд. долларов США) общемирового притока ПЗИ - вдвое больше уровня, которого они достигли в 1993 г., и в 10 раз больше, чем в 1985 г. В 1996 и 1997 гг. потоки ПЗИ в развивающиеся страны были почти на 30 млрд. долларов США больше, чем в Западную Европу[4]. Причем безусловными лидерами были Южная, Восточная и Юго-Восточная Азия – 82,4 млрд. долларов (53,3%), далее следует Латинская Америка – 56,1 млрд. долларов (37,7%) и Африка – менее 5 млрд. долларов (3,2%).

[1] Ibid., p. 157
[2] Ibid., p. 156

[3] Торговый блок, в который входят Аргентина, Бразилия, Парагвай и Уругвай.
[4] World Investment Report 1997, Transnational Corporations Market Structure and Competition Policy. New York and Geneva, 1997, p. 92

С начала 90-х годов одним из крупнейших получателей ПЗИ стал Китай. В 1993–1996 гг. на него приходилось 36% общего потока ПЗИ в развивающиеся страны, или 35 млрд. долларов США в среднем за год, в 1997 г. – 30,4% и 45,3 млрд. долларов соответственно[1].

Привлекательность Китая для зарубежных инвесторов определяется не только его размерами, но прежде всего высокими темпами развития экономики, которые в период с 1990 по 1996 г. составили более 10% в год. Кроме того, важное значение имеет низкая стоимость рабочей силы в стране, что является весьма заманчивым фактором для ТНК, развивающих здесь экспортное производство трудоемких товаров[2].

Наряду с ПЗИ в развивающиеся страны вывозятся и портфельные инвестиции, однако их отличительная особенность заключается в том, что они более мобильны и в основном привлекаются не столько с целью перспективного развития, сколько для получения скорой прибыли.

В период с 1990 по 1997 гг. ссуды коммерческих банков составили в среднем около 1/10, портфельные инвестиции – примерно 1/3 и прямые зарубежные инвестиции – 1/2 притока частных капиталов в развивающиеся страны.

Наряду с частными инвестициями развивающиеся страны получают также и официальную помощь на развитие. В последние годы, однако, ее значение заметно снизилось. В то время как общий объем инвестиций в 1990–1997 гг. возрастал ежегодно на 16%, государственное финансирование сокращалось на 3%. В результате если в начале 1990-х годов оно составляло более половины притока инвестиций в развивающиеся страны, то в 1997 г. – всего 15%[3].

Правда, официальная помощь развитию в наименее развитые страны (НРС) оставалась более предпочтительной и на нее приходилась основная доля притока инвестиций. В 1990 – 1995 гг. она оставалась стабильной и лишь в 1996 г. сократилась на 14% (11% в реальном выражении)[4].

Для НРС иначе выглядит и картина притока частных капиталов. Увеличивающееся значение частных инвестиций находит отражение в растущей тенденции к либерализации и глобализации в сфере инвестиций и финансов. Барьеры на пути движения капиталов отменяются во многих странах.

Главной формой вложения иностранного капитала в экономику развивающихся стран по-прежнему остаются зарубежные филиалы. Свидетельство тому – рост доли прямых инвестиций ТНК в их экономику в общем притоке капитала: с 14,5% в 1975–1979 гг. до 17,2% в 1980–1985 гг. В 1990–1997 гг. эта доля, как отмечалось выше, выросла примерно до 50% притока частных инвестиций.

Дело в том, что в течение почти всего послевоенного периода норма прибыли на иностранные инвестиции в развивающихся странах была выше, чем в промышленно развитых. Эта форма инвестиций является весьма привлекательной и для самих разви-

[1] World Investment Report 1998,... p. 16.
[2] World Investment Report 1998,... Annex; World Investment Report 1997..., p. 92.
[3] World Investment Report 1998,... p. 13.
[4] Ibid., p. 14.

вающихся стран. Вот почему они стремятся всячески поощрять активизацию деятельности иностранных компаний, надеясь на то, что иностранный капитал будет способствовать оснащению производства современной техникой и технологией, укрепит частное предпринимательство, ускорит хозяйственное развитие страны.

Однако движение финансовых потоков извне весьма избирательно. Прежде всего они ориентированы на страны со средним и высоким подушевым доходом. Низкодоходная группа (НРС) может рассчитывать на помощь по официальным каналам, что отражает неспособность большинства из этих стран создать условия для частных рынков капитала.

Однако в последние годы наметилась тенденция к сокращению объемов помощи развивающимся странам – до 59 млрд. долларов в 1997 г. Причем обращает на себя внимание заметное уменьшение доли невоенной материальной помощи США этим государствам. В 1997 г. на эти цели Япония выделила 14,5 млрд. долларов, Франция – 8,4 млрд., Германия – 7,5 млрд. и США – 7,3 млрд. долларов.

1997 г. омбудсман Узбекистана представил Парламенту первый отчет, содержащий предложения по повышению правовой культуры населения, которые нашли поддержку и стали реализовываться в обществе. В 1998 г. Уполномоченный по правам человека представил второй отчет парламенту, в 1999 г. – третий, содержащий более подробный анализ ситуации в сфере прав человека, раскрывающий причины роста количества жалоб граждан в различные органы и предложения по их устранению. Дальнейшее развитие института Уполномоченного Олий Мажлиса по правам человека (омбудсмана) будет способствовать становлению демократического правового государства в Узбекистане.

*Хулоса*

*Мақола жаҳонда омбудсман институтининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, унинг тарихий ва ҳуқуқий аҳамиятига бағишланган. Муаллиф дунёнинг бир қанча давлатларидаги омбудсман институти фаолиётини қиёслайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини омбудсмани фаолиёти ҳам ёритилади, унинг фаолиёти 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган "Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (омбудсман)" тўғрисидаги Қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонун инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг ҳуқуқий мақомини, унинг ваколатларини ва фаолият тамойилларини тартибга солади. Муаллиф қонун жаҳон тажрибаси ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлигини таъкидлаб ўтади.*

*Муаллиф мақолада инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил институтининг ривожланиши Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим элементларидан бири эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтади.*

*Summary*

*Liven article is dedicated to foundation and development of the Ombudsman institute, its historical and legal importance in the world. The author makes comparative analysis of activity an ombudsman institute in the various countries of the world. Uzbek Ombudsman activity, regulated by the Law of the Republic of Uzbekistan "On the Authorized Person of the Oliy Majlis for Human Rights /ombudsman/" dated April 24, 1997, is also outlined in the article. Above mentioned law regulates a legal status of the Authorized Person for human rights, stipulates sphere and principles of its activity. The author pays particular attention to the reflection of international experience and legal principles in the law.*

*In the article the author attaches special attention to the development of the Ombudsman institute in the Republic of Uzbekistan as an important element of the democratic state based on the rule of law.*

# ИНФОРМАТИЗАЦИЯ ОБЩЕСТВА И СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ

*АБДУЛЛАЕВ И.З.*
*заведующий отделом науки УМЭД*

Анализ перспектив образовательной системы в контексте идей и концепции информационного общества, становления новой информационной цивилизации крайне актуален. Перспективы образования в информационном обществе связаны с характерными чертами и особенностями всех сфер общественной жизни. Во многом они определяются характеристиками экономической системы. Формирование суперсимволической системы создания общественного богатства, превращение знаний в новый капитал в обществе оказывают принципиальное влияние на развитие образовательной сферы.

Важнейшая черта экономической системы информационного общества - ее глобальный характер. Естественно, что глобализация экономики вызывает тенденции глобализации в политической, социальной, духовной сферах общественной жизни.

Перспективы образования связаны с изменением места человека и его ценностей в информационном обществе. Если для всех предыдущих типов общественного устройства характерна ориентация на материальные ценности, то переход к информационному обществу выдвигает на первый план человеческие ценности.

Ориентация на материальные ценности выражалась в том, что человеческие потребности главным образом предполагали удовлетворение материальных потребностей; производительные силы общества, которые являлись базой для удовлетворения человеческих потребностей, имели материальный характер; удовлетворение человеческих потребностей достигалось в основном путем производства и потребления материальных вещей. Индустриальное общество представляет собой расцвет цивилизации, ориентированной на материальные ценности.

Развитие информационной инфраструктуры делает интеллектуальной окружающую человека среду. Как повлияет это на человека в обществе будущего? Разные исследователи выдвигают различные гипотезы на этот счет.

Наиболее радикальная из них предложена И.Масудой. Он считает, что жизнь человека в новой информационной, интеллектуальной среде, возможно, приведет к возникновению нового биологического вида человека - гомо интелигенс. Сейчас трудно оценить, насколько справедлива эта гипотеза. Во всяком случае, она в основном относится к достаточно отдаленной перспективе.

Однако глубокое изменение личностных характеристик человека - это процесс, который относится к современным стадиям информатизации общественной жизни. Усилия, которые вынужден прикладывать каждый человек для того, чтобы приспособиться к радикальным переменам, происходящим в жизни общества, приводят к постепенному формированию нового типа личности. Некоторые исследователи отмечают, что данный тип личности уже становится реальностью. Это так называемые "саморазвивающиеся люди".

Для концепции информационного общества характерно утверждение о том, что новые технологии способствуют развитию человека, выдвижению на первый план человеческих ценностей. Вместе с тем ряд исследователей отмечает их негативное воздействие на человека и даже возможность деформации личности в новых условиях. В их основе - "информационное излишество", чрезмерное увлечение компьютерами, телекоммуникациями и т.п.

Критики концепции информационного общества порой говорят о дегуманизации общественной жизни под влиянием компьютеров. Представляется, что выделение этой проблемы связано с технократической трактовкой концепции информационного общества. Однако более обоснованной представляется ее антитехнократическая интерпретация, ставящая в центр человека, его ценности и потребности. Если с таких позиций посмотреть на процесс информатизации общества, то можно отметить много факторов, свидетельствующих о гуманизации общественной жизни. Это и расширяющийся доступ людей к различным услугам, в том числе образовательным, и получение человеком в информационном обществе огромных новых возможностей для самореализации, самовыражения, общения с другими людьми.

Перспективы образования в информационном обществе во многом связаны с особенностями его духовной культуры. В индустриальном обществе значительную роль в формировании представлений человека о мире играют средства массовой информации, во многом стандартизируя образы, формирующиеся в общественном сознании.

В информационном обществе происходит не только ускорение потока информации, но и изменение его глубинной структуры. Вместо восприятия уже готовой модели реальности человек должен сам снова и снова конструировать ее. Конечно, это тяжелый труд, но он открывает большие возможности для развития индивидуальности. Система оценки информационного потока личности формируется на более ранних этапах ее развития.

Становление информационной цивилизации предполагает развитие новой образовательной системы, важной чертой которой является глобальность, т.е. мировой характер с присущими ему глубинными взаимозависимыми процессами.

Жизнь человека в интеллектуальной, информационно насыщенной среде, создаваемой в процессе развития информационной инфраструктуры общества, порождает новые возможности для его образования с самого раннего возраста и в течение всей жизни. Использование этих возможностей - чрезвычайно актуальная задача, которая встает перед обществом в процессе его информатизации. Ее решение предполагает создание принципиально новой образовательной системы. Но если информационные технологии сталкиваются с косностью, консерватизмом образовательной системы, они могут вести не к развитию личности, а к ее деформации (из-за неправильного использования компьютерной и телекоммуникационной техники, злоупотребления ею).

Формирование образовательной системы информационного общества происходит в ходе развития образования взрослых (идея обучения в течение всей жизни), новых моделей дистанционного образования, неформального образования, реализации принципов открытости, гибкости образования. Информатизация образования предстает по своей сущности как современная образовательная революция.

# МАЪНАВИЯТ - ТАЛАБАЛАР ТАРБИЯСИНИНГ АСОСИ

*Қ.Х.ХОНАЗАРОВ*
*фалсафа фанлари доктори,*
*профессор*

Мустақиллик ҳаётимизнинг барча соҳаларига туб ўзгаришлар олиб келди. Асрлар давомида мустақиллик нима эканини билмаган, у ҳақда фақат эшитган ёки ўқиган, аммо уни ўз ҳаётида синаб кўрмаган халқимиз бу тушунчанинг мазмунини англаб олмоқда. Унинг моҳияти, қирралари, хусусиятларини тушунмоқда.

Мустақиллик жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдордир. Айниқса, у иқтисод, сиёсат ва маданий ҳаётда ўз аксини топади. Давлат ўз иқтисодий тараққиёти, сиёсий тамойиллари ва маданий-маънавий ривожланишнинг барча масала-муаммоларини давлат ва халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда мустақил ҳал қилади. Ҳар бир халқ учун энг оғир ва камситадиган нарса унинг қарамлигидир. Шу боис халқ ва инсоннинг ақли, тафаккури уни мустақилликка чорлайди. Мустақиллик тушунчасининг маънавий жиҳати билан бирга, иқтисодий томони ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Кимлар-гадир қарам инсон ёки халқ ҳеч қачон ҳақиқий ривожланиш йўлига, моддий ва маънавий ҳаётнинг юксак поғоналарига кўтарила олмайди. Мустақил бўлмаган халқ ва давлатнинг сиёсий, маънавий қиёфаси аниқ бўлмайди. Чунки у ҳукмрон тузум ёки мафкуранинг талабларини бажаради.

Ҳар бир мамлакатда жамият ҳаётининг ана шу учта асосий соҳасидан, одатда, бири ёки иккиси муҳим ўрин тутади. Мустақил Ўзбекистон шароитида маънавият масаласи муҳим ўринни эгаллаб турибди. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчиси, асрларга чўзилган парокандалик, юртимизнинг турли хонлик ва амирликларга парчаланганлиги, ундан сўнг мудҳиш мустамлака даврининг руҳий, иқтисодий ва сиёсий тазйиқи халқимизда мустақиллик ғояларининг ҳаттоки куртак ёзишига ҳам йўл қўймаган. Улардан кейин ҳукмронликни қўлга олган шўролар давлати халқимиз бошига мисли кўрилмаган машаққат ва руҳий азобларни олиб келди. XX аср мустамлака халқларнинг озодлик учун курашлар асри бўлди. 70- йилларга келиб, империалистик мустамлака тизими узил-кесил инқирозга юз тутди, юздан ортиқ мустақил давлатлар ташкил топди. Жаҳон сиёсий харитаси тамомила ўзгарди. Аммо шу шароитда ҳам социалистик тузум марказлашган давлат аппаратига, такомиллашган ҳарбий ва сиёсий кучига суяниб, СССР таркибига кирган республикаларни 90-йилларнинг бошигача ярим мустамлака ҳолида ушлаб тура олди. Социализмнинг тарихий жараённи секинлаштирувчи салбий таъсири натижасида СССР таркибидаги республикалар мустақиллик йўлига жаҳонда охиргилардан бўлиб эришдилар. Биз мустақилликка ўтмишда мустамлака бўлган ўнлаб мамлакатлар ва халқлардан ўрта ҳисоб билан ярим аср орқада қолдик.

Буларни ёзишдан мақсад, узоқ давом этган қарамлик натижасида халқимиз онгига мутелик ҳисси чуқур сингиб қолди. Халқ онги ва турмуш тарзидан қарамлик ҳиссини сиқиб чиқариш, унинг онгида, аксинча, мустақиллик, миллий ғурур, ўз қадр-қимматини билиш ҳиссини тарбиялаш, ўзига бўлган ишонч ва тарих олдидаги масъулият туйғусини шакллантириш биринчи даражали вазифадир.

Шунинг учун ҳам қандай манба миллий ғурур ва ишончни шакллантиришга хизмат қилади деган савол туғилади. Бунга халқимиз босиб ўтган шонли йўл, бу жараёнда юзага келтирилган маънавий бойликлар ана шундай манба вазифасини ўтайди, деб жавоб бериш мумкин. Истибдод даврида маънавият сўзи, унинг маъноси ва мазмуни, моҳияти ва шакллари қувғинда эди десак, муболаға бўлмайди. Мисолларга мурожаат қиламиз. Ўзбекистон Республикаси ва ўзбек халқининг тарихи, иқтисоди, маданияти ва маънавиятини тўла равишда акс эттириш вазифасини бажариши керак бўлган Ўзбек Совет Энциклопедиясида[1] «Маънавият» деган сўзга умуман жой ажратилмаган. Миллатимизнинг сўз бойлигини, бинобарин, унинг тафаккур ва сўз маъноларини тафовутлаш даражасини ўзида мужассамлаштирган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да[2] ҳам «Маънавият» сўзига ўрин берилмаган. Маънавиятимизга бўлган бундай бефарқликка ишонмай, бу сўзни бир жилдли «Ўзбекча-русча луғат»дан[3] қидирдик. Афсуски, бу китобда ҳам «маънавият» сўзига жой етмай қолган. Хайриятки, 1976 йилда профессор Собиржон Иброҳимов раҳбарлигида тузилган «Ўзбек тилининг имло луғати»да[4] бу сўзни топа олдик. Ваҳоланки, маънавият сўзи ва унинг мазмуни, биринчи навбатда, юқоридаги уч илмий рисолада акс эттирилиши керак эди. «Ўзбек тилининг имло луғати» эса сўзларнинг маъносини эмас, балки грамматик нуқтаи назардан тўғри ёзилишини кўрсатиб беради, холос.

Юқорида эътироф этилган ҳолатлар шундан далолат беради, истибдод тузуми ва мафкураси «маънавият» сўзини хуш кўрмас эди. Маънавият миллатнинг, кишининг ички дунёси, унинг фикрларидир, бу эса истибдод даври мафкураси кўрсатмаларига тубдан қаршидир. Шу нуқтаи назардан маънавият миллий шаклда ёки бошқа бир тарзда мавжуд бўлиши мумкин эмас эди. Маънавият ўрнига «умумсовет мафкураси», «коммунистик мафкура» каби тушунчалар ҳар томонлама тарғиб этилди.

1991 йил Ўзбекистон XX асрнинг охирги ўн йиллигининг бошланишида мустақил давлатга айланди. Бу воқеа фақатгина ўзбек халқинигина эмас, балки жаҳоннинг барча инсонпарвар кучларини, демократия, ҳуқуқий давлат, адолатли жамият ва фуқаровий жамият қуриш тарафдорларини янада руҳлантирди. Жамият турлича ташкил қилиниши, давлат хилма-хил тизим ва тузумга эга бўлиши мумкин. Аммо энг мукаммал жамият ва энг мукаммал давлат деб аталиш учун инсон дунёси, инсон қобилиятлари ва салоҳиятлари

[1] Ўзбек Совет Энциклопедияси. Т., 1976, 7-жилд, 78-б.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., «Рус тили», 1981. 1-жилд, 454-б.

[3] Ўзбекча-русча луғат. Т., 1988.

[4] Ўзбек тилининг имло луғати. Т., 1976 йил, 266 б.

кенг ва тўла равишда намоён бўлишига барча шарт-шароитларни яратиб берган давлатгина шундай шарафли номга эга бўлиши мумкин.

Биз мустақилликка эришиб, унга суянган ҳолда, мамлакатимизда ишлаб чиқариш унумдорлигини кўтаришга, рақобатбардош маҳсулотни кўплаб яратишга, маданий ва маънавий ҳаётимизни ҳозирги замон андозалари даражасигача юксалтириб, давримизнинг илгор ва ривожланган давлатлари қаторидан жой олишга ҳаракат қиляпмиз. Бу - ниҳоятда олижаноб мақсад. Аммо бундай кўрсаткичларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун онгимиз, Ватанга муносабатимиз, ишлаб чиқариш интизомимиз тубдан ўзгариши лозим. Истибдод тузуми сингдирган боқимандалик, қарамлик ва нораслик ҳисларини миллий онгимиздан чиқариб ташлашимиз даркор.

Кўп асрлар давомида шаклланган маънавиятимиз, юқорида эътироф этилганидек, кейинги тўрт аср ичида халқимиз маънавий ҳаётидаги салбий омиллар таъсири туфайли давр талабларидан орқада қолиб кетди. Маънавий бойлик ўз-ўзича пайдо бўлиб қолмайди. Маънавий бойлик халқ даҳоси билан секин-аста асрлар давомида юзага келтирилади. Маънавият, биринчи навбатда, шу халқнинг яратувчилик фаолияти, хилма-хил фикрлар, мулоҳазалар, хулосалар, қиёсий нуқтаи назарлар асосида яратилади. Иккинчидан эса маънавий бойлик ҳар бир халқнинг бошқа халқлар билан мулоқоти жараёнида, ўзга халқлар маънавий бойликлари билан қиёсий ва танқидий танишиш, уларни ўрганиш натижасида пайдо бўлади.

Шундай экан, мазмунли ва бой маънавий оламга эга бўлмоқ учун, биринчи навбатда, ҳар бир халқ ўз тарихидаги маънавий хазиналарини ўрганиши лозим. Тарих ниҳоятда бой фаолият майдони ва бу хазинадан тадқиқотчи маънавиятга тегишли дурдоналарни териб олмоғи лозим. Маънавият шу жиҳати билан умумтарих, давлат тарихи, миллат тарихи ва маданият тарихидан фарқ қилади. Маънавият миллатнинг маънавий ҳаёти асрдан асрга қандай қилиб шаклланганини кўрсатади. Маънавият маданиятдан бой, шу билан бирга, давлат ёки миллат тарихидан ажралиб туради, чунки у миллатнинг, давлатнинг ҳаётидаги маънавий омилларга эътиборни қаратади. Ана шундай тарихий ёндошишгина маънавият ҳақида тўғри тушунча олиш имконини беради. Шу билан бирга маънавият тасодифий йиғилган ҳодисалар, жараёнлар, воқеалар тўғрисидаги матнлар йиғиндиси эмас, балки асрлар давомида халқ даҳоси билан яратилган қарашлар, таълимотлар, тамойиллар тизимидир. Бундай фикрларни биз эндигина шакллантириб, очиқ-ойдин айта бошладик. Бундай ёндашиш масъулият ва жиддий назарий-тадқиқий ишни талаб қилади. Масалан, маънавият тарихан ташкил топган қарашлар ва тамойиллар тизими экан, бу тизим қандай шаклланган, деган саволнинг қўйилиши табиийдир. Бу масалаларни изчил илмий ёритиш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Маънавиятнинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган иккинчи омил бошқа миллатлар ва давлатлар маънавий ҳаётининг таъсири, улардан ижодий асосда қабул қилиб олинадиган маънавият элементларидир. Ҳар бир

миллий маънавият турли бошқа миллий маънавиятлар доирасида яшайди. Шундай экан, бир халқ маънавиятининг иккинчи бир халқ маънавиятига таъсири табиий, зарурийдир ва муқаррардир.

Биз бу ерда «ижодий» сўзига урғу берамиз, чунки ҳеч бир вақт бир миллий маънавиятнинг иккинчи миллий маънавият дунёсига таъсири оддий қўшилиш тарзида бўлмай, мураккаб жараён тарзида амалга ошади.

Миллий маънавиятларнинг бир-бирига таъсири ва шу асосда яқинлашиши масаласи илмий адабиётларда энг суст ишланган, аслида бузиб кўрсатилган соҳалардан биридир. «Миллий маънавиятлар ва, умуман, маънавият йўқ» деган фикр очиқ-ойдин айтилмаган бўлса-да, кўпчилик олимлар бу мавзуни четлаб ўтишни ўзларига маъқул деб билардилар. Эндиликда биз миллий маънавиятлар бор эканлигини, улар ҳар бир халқнинг тарихий тараққиёти жараёнида ташкил топганини ва мустақиллик шароитида тез суръатлар билан бойиб бораётганини эътироф этмоқдамиз, бу жараёнларни ҳар жиҳатдан ўрганмоқдамиз.

Табиийки, биз бу йўлнинг, яъни миллий маънавиятларни ўрганиш, тадқиқ этиш жараёнининг бошланғич қисмидамиз.

Борлиқнинг умумий қонуниятларидан бири шундан иборатки, жараёнлар бор жойда ўзаро таъсир ҳам бор. Яъни жараёнлар бир-бирларига таъсир кўрсатадилар. Бу қоида миллий маънавиятларга ҳам тегишли эканлиги ўзўзидан аёндир. Бу тўғрида биз батафсил тўхталишни лозим деб биламиз, чунки миллий маънавиятлар соҳаси эндигина илмий жиҳатдан ишлана бошланган, тадқиқ этила бошланган соҳадир. Шундай экан, бошланишиданоқ тўғри назарий асосларга суяниб иш олиб боришимиз маъқул. Алоҳида диққат-эътибор қаратилишининг боиси шундан иборатки, истибдод даврида аксиоматик ҳақиқат деб қабул қилинган қоида миллатлар ва миллий маданиятларнинг секин-аста яқинлашиб бориши ва, қўшилиб кетиши назарияси эди. Бу назария гўёки шубҳасиз аниқ ва муқаррар бир қоидага суянарди, яъни яқинлашадиган чизиқлар охир-оқибатда қўшилиб кетадилар. Миллий маданиятлар ҳам худди шу қонуниятга бўйсуниб, коммунизм қуриш жараёнида қўшилиб кетиши, шу асосда ягона совет халқи, совет маданияти юзага келиши аниқ ва шубҳасиз эканлиги онгимизга мустаҳкам жойлашиб олган эди.

Ҳозирги даврда олий ўқув юртларида асосан истибдод йилларида таълим-тарбия кўрган муаллимлар иш олиб бормоқдалар. Уларнинг айримлари ўша даврда кенг тарғиб этилган миллатлар ва миллий маданиятларнинг коммунизм қуриш жараёнида қўшилиб кетиши муқаррар деган сохта назарияни чин қалбдан тўғри деб қабул қилиб, ўз қарашларини моҳиятан ўзгартирмаганлар. Ўтмишнинг сарқити бўлган бундай назарий қарашнинг хато ва нотўғри эканлигини фош қилиш ва бу назариянинг миллий маънавиятлар соҳасига ўтишига йўл қўймаслик навбатдаги жиддий диққатни талаб қиладиган вазифаларимиздандир.

Миллатлар, миллий маданиятлар ва шулар қатори миллий маънавиятларнинг қўшилиб кетиши назарияси шунинг учун ҳам хато ва нуқсонлидирки, у бу мураккаб назарий масалага

оддий механика қонунлари асосида ёндашади. Яъни ҳақиқатан ҳам икки ёки ундан кўп чизиқлар яқинлашсалар, бу яқинлашишнинг суръатлари қанчалик паст ва секин бўлмасин, охир оқибатда улар қўшиладилар. Жамиятда эса яқинлашиш бутунлай бошқа шароитда, сифат жиҳатидан фарқ қилувчи вазият ва шароитда амалга ошади. Яқинлашиш жараёни тафаккур эгалари бўлмиш инсонлар томонидан амалга оширилади. Шундай экан, бу яқинлашиш жараёни онгли равишда, таҳлил ва қиёсий ўрганиш йўли билан намоён бўлади. Яқинлашувчи томонлар уйгун жиҳатларни ўз миллий тамойиллари, талаблари, қоидалари, расм-русумлари эҳтиёжларига мослаштирадилар, қабул қилинаётган хусусият ҳамда чизгиларга кўп ёки кам, йирик ёки майда, аммо аҳамиятга эга ўзгаришлар киритадилар. Бунинг натижасида қабул қилувчи маданият ёки маънавият бойийди, унда янги сифатнинг қўшимча жилолари пайдо бўлади. Бу жараён жаҳон бўйлаб қай тарзда ва қандай шаклларда намоён бўлишини кундалик ҳаёт кўрсатиб турибди. Масалан, балет санъати ўнлаб мамлакатларда мавжуд, аммо ҳар бир мамлакатда у ўзига хос равишда намоён бўлади. Ёки мўйқалам тасвирий санъати дунёнинг кўпчилик мамлакатларида мавжуд. Лекин у ҳар бир мамлакатда ўз қиёфаси, тамойиллари ва мактабларига эга.

Юқорида асосланган мулоҳазаларга хулоса ясаб, айтиш мумкинки, инсоният тараққий этгани сари миллий маданиятлар ва миллий маънавиятлар ривожланиб, инсон қобилиятлари ва салоҳиятлари янада тўлароқ намоён бўлиши учун янгидан-янги имкониятлар очади. Диалектик нуқтаи назардан бундай бўлиши табиий. Чунки ривожланиш миллий маданиятлар ва маънавиятларда янги жиҳатлар, сифатлар, қирралар ва хусусиятлар пайдо бўлиши, яъни дифференцияланиш, фарқланиш, тафовутланиш жараёнларининг юксалиши демакдир. Бундай жараёнлар ижтимоий тараққиётнинг зарурий омилидир.

Инсоният тараққиёти ана шундай диалектик йўлдан бормоқда. Инсоният ҳаёти айни бир вақтда ҳам ҳар хиллик, ранг-баранглик, интеграция томон, ҳам бир хилликка томон ривожланмоқда. Бу диалектик жараённинг фақат бир йўналишини олиб, миллий маданиятлар ва миллий маънавиятларнинг қўшилиб кетишини кутганлар ҳам ва айни вақтда миллий маданиятлар ҳамда миллий маънавиятларнинг бир-биридан узоқлашишини қонунга айлантирганлар ҳам, уларнинг биқиқлиги муқаррар жараён дейдиганлар ҳам ҳеч бир вақт кутганларига эришолмайдилар.

Миллий маънавиятнинг миллий маданиятдан яна фарқи шундан иборатки, у маданиятга нисбатан миллий тилга кўпроқ, кенгроқ ва чуқурроқ боғланган. Маданиятнинг маълум соҳалари тил билан бевосита алоқадор эмас. Миллий маънавият худди шеърият оламини эслатади. Яъни шеърни таржима қилиш энг қийин, мураккаб бўлганидек, миллий маънавият оламини ҳам бошқа тилга ўгириш уни маълум даражада қашшоқлаштиради, унинг кўп безакларини бекорга чиқаради. Бошқа тилда Навоий сатрлари, ҳадислар, Яссавий ёки Нақшбанд фикрлари, «Авесто»даги насиҳатлар ўзларининг жозиба кучини анча йўқотади. Бу билан биз таржимонлик ишига ишончсизлик тугдирмоқчи эмасмиз.

Шекспир, масалан, инглиз тилида ҳам, рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам буюк ва жозибали. Аммо, маълумки, жаҳон адабиётининг буюк вакиллари ҳар бир халқнинг энг ўткир таржимонлари ва бир неча авлодлар томонидан қайта-қайта таржима қилиниши натижасида ўзларини таржима тилида ҳам намоён эта олдилар. Миллий маънавият эса шундай таржималар асосида яратилиши ҳақиқатдан узоқ. Миллий маънавият миллий тилда яратилади ва у миллий тил муҳитида тирик. У миллатни ҳар қадамда руҳий, маънавий озуқа билан таъмин этиб туради.

Шу муносабат билан маънавиятимиз олдида жиддий қийинчилик мавжуд. У ҳам бўлса шундан иборатки, ўзбек миллатининг маълум қисми истибдод даврида ўз миллий тилида эмас, балки бошқа тилда таълим ва тарбия олди. Ўрта ҳисоб билан уч авлоднинг анчагина қисми ўз миллий тилини чекланган даражада билади. Бу деган сўз улар миллий маънавиятдан кам баҳраманд бўладилар, чунки бошқа тилда олинган маълумот зарур самарани беролмайди. Бундай кишилар истибдод даври ва мафкура якқаҳокимлиги зарбалари натижасида ақлан ва маънан камситилган кишилардир. Масаланинг мураккаб томони шундан иборатки, бундай ёшлар ўзларининг маънавий дунёлари, билим доиралари миллий тилни билмаганликлари сабабли торайганини тан олмайдилар. Чунки ўтмишдаги ҳукмрон мафкура уларни шу руҳда тарбиялаган. Ўз она тилига бефарқлик ва ўзга тилга, миллатлар ва миллий маданиятларнинг қўшилиб кетишини тезлаштирувчи тилга ихлос, ҳафсала ва муҳаббат билан қараш ўша даврнинг стратегик аҳамиятга эга сиёсати эди.

Ўзбек миллий маънавияти мустақиллик даврида кенг ва равон йўлга чиқди. У ўзининг нақадар бой ва сермазмун эканлигини намойиш қилмоқда. Бу борадаги илмий изланишлар ва тадқиқий ишлар йил сайин кенгаймоқда. Миллий маънавиятларга ўтмишда қандай муносабат бўлганини инобатга олсак, миллий маънавиятга тегишли ҳали ўрганилмаган манбалар ва маънавий бойликларни кўзда тутсак, биз бу кенг ва истиқболли йўлнинг бошланғич қисмидамиз. Бу вазифани бажариш - бизнинг мустақиллик олдидаги фахрли вазифамиздир.

Юқорида зикр этилган фикрлар ҳозирги даврда, айниқса, яққол тасдиқланмоқда. Давлатимиз пойтахтида 1999 йил 16 февралда бўлиб ўтган воқеалар ёшларни ҳозирги кунда миллий руҳда тарбиялаш энг долзарб масалалардан бир эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам Президентимиз: "Биз ёшларни ҳеч кимга бермаймиз. Улар бизларнинг фарзандларимиз, биз уларни тарбия қилишнинг уддасидан чиқа оламиз»,-деб алоҳида таъкидладилар. Бинобарин, «Мустақиллик, бу - масъулиятдир». Ана шу масъулиятнинг нақадар кенг қамровли ва серқирра эканлигини, у биздан доимий огоҳлик ва ҳушёрликни, тарбиявий ишларнинг янги мазмуни ва янги шаклларини устида тинмай изланишни талаб қилишини тушуниб етишимиз керак. Шу асосда амалий иш олиб бормоғимиз лозим.

# МИЛЛИЙ МАФКУРА МАНБАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Г.Т.МАҲМУДОВА*
*фалсафа фанлари номзоди*

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши улкан тарихий воқеа бўлди. Асрлар давомида халқимиз орзу қилиб келган ниятлар амалга ошмоқда.

Ижтимоий ва маънавий соҳада янгича дунёқараш ва мустақиллик мафкурасига асосланиш одат тусига айланмоқда. Бунда инсонпарварлик ғояларига содиқлик, халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, бир мафкуранинг якқаҳокимлигига чек қўйиш, кишиларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш ва ҳоказолар катта аҳамият касб этмоқда.

Республика мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ Президентимиз И.А.Каримов халқимиз маънавий мулкини тўғри идрок этиш ва ҳаққоний талқин қилиш шу бугунги ижтимоий-фалсафий тафаккур олдидаги катта масъулият эканлигини кўп маротаба таъкидлайди. Зеро, «маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.»[1]

Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол мафкураси тарихий ҳодисаларни тўғри тушунишга ва холис хулосалар чиқаришга ундайди. Миллий қадриятларимиз, маънавий бойликларимизни синфий, мафкуравий тўсиқлар билан халқдан, миллат маънавиятидан ажратиб қўйиш йиллари орқада қолиб кетди. Энди миллий қадриятларга миллат истиқболи, озодлиги ва мустақиллиги ифодаси тарзида қаралмоқда.

Миллат озодлиги, истиқболини ўзида акс эттирган эркин фикр ва порлоқ ният йўқ бўлиб кетмайди. Вақт ўтган сайин миллат ўз мустақиллиги ва озодлигини янада тўлароқ қўлга киритган сайин тарихий, илмий ва маънавий ҳақиқатлар, қадриятларнинг мазмуни ва моҳияти чуқурроқ кашф этилади.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллиги учун курашиши узоқ тарихга эга. Озодлик ва мустақилликка эришиш, узоқ вақт мобайнида аждодларимизнинг буюк ғояси бўлган.

Милоддан аввалги 329 йилда бошланган Александр Македонский бошчилигидаги босқинчилик урушлари Ўрта Осиё халқларига парокандалик, зулм, жаҳолат уруғларини сочган. Манбаларда эътироф этилишича, Ўрта Осиё халқлари А.Македонский қўшинларига доимо, тўхтовсиз қаршилик қилиб турганлар. Жумладан, Спитамен бошчилигидаги озодлик ҳаракати тарихда озодликка эришиш йўлидаги катта воқеа бўлган.

Ўрта Осиё тарихида VII - VIII асрлардан янги сиёсий давр бошланади. Бу ўзгариш араб халифалигининг Ўрта

[1] И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992, 70-71 бетлар.

Осиёни босиб олиши билан боғлиқ. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари арабларга қарши бир ярим аср мобайнида кураш олиб борганлар. Гурек, Давошта, Абумуслим, Муқанна тарафдорлари ва улар бошчилигидаги озодлик курашлари араб халифалигининг қулашига олиб келди.

IX асрдан бошлаб мамлакатни идора этиш маҳаллий феодаллар қўлига ўтган. Хорижий истилочилардан холис бўлган ўлканинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида қайта тиклашлар, бунёдкорлик ишлари кенг ривожланган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган»[1].

Имом Бухорий, Имом-ат Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан Ўрта Осиёда буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур номи билан боғлиқ Темурийлар даври бошланади.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг: «У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлат қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият беқиёс ривож топди. Халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чексиз меҳр-мурувватни айниқса ибратлидир»[2] деган сўзлари темурийлар даврига берилган ҳаққоний баҳодир.

Дарҳақиқат, Темурийлар даврининг муҳим томони шундан иборат эдики, шаҳарлар гуркираб ривожланди, фан ва маданият гуллаб-яшнади. Улуғбек даҳоси сабабли аниқ фанлар, математика, астрономия ривож топди. Шу билан бирга тиббиёт, тарих, шеърият, янги олий мактаб илмий тафаккур марказида жипслаштирилди.

Ўлкамизнинг тарихида яна бир саҳифа муҳим ўрин эгаллайди. Бу - XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги давлат ва жамият турмушидаги силсилалар, курашлар ва ғалабалар мажмуасидир. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон Чор ҳукумати томонидан қонли урушлар натижасида босиб олинди.

Ўлкадаги парокандалик, халқ оммаси аҳволининг оғирлашуви, эски феодал бошқаруви билан эксплуатациянинг янги тартиб-усулларининг жорий этилиши Туркистон тараққиётига ўзининг таъсирини кўрсатмай қолмади.

[1] И.А.Каримов. Ўзбекистан XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997.

[2] И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., Ўзбекистон, 1997.

Бир томондан А.Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқийларнинг маърифатпарварлик хусусидаги қарашлари катта бир ижтимоий - фалсафий йўналиш тарзида кенгайиб борса, иккинчи томондан, гарчи уюшмаган ҳолда бўлсада, Чор ҳукуматига қаршилик ҳаракатлари бошланган эди.

1885 йил Фарғона водийсида Дарвишхон бошчилигидаги исён, вабо эпидемияси муносабати билан 1892 йил 24 июнда бўлиб ўтган қўзғолон миллий - озодлик ҳаракатларининг дастлабки ифодаси эди. Туркистондаги энг йирик миллий озодлик қўзғолони Дукчи эшон номи билан боғлиқ. Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, Дукчи эшон қўзғолонига чор истибдодига қарши халқ қалбида тўпланган миллий - озодлик туйғусининг акс-садоси тарзида қаралмоги лозим.

Дукчи эшон бошчилигидаги халқ миллий-озодлик қўзғолони ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта из қолдирди. Бу ҳаракат маърифатпарварлик ва миллий мустақиллик ғоялари учун хизмат қилди. Бунинг натижаси ўлароқ халқ қалбида илм-фанга, маърифатга, янгилик ва мустақилликка интилиш кучая борди. Кейинчалик бу илҳақлик жадидлар ҳаракатида ўзининг амалий ифодасини топди.

Жадидчилик тасодифан ва бирданига шаклланган эмас. У XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларидаги ижтимоий-тарихий ва ғоявий-фалсафий тараққиёт натижаси сифатида, бир томондан, ижтимоий ҳаёт силсилаларининг натижаси, иккинчи томондан, илғор рус ва татар мутафаккирларининг таъсирида аста-секин Туркистон маърифатпарварлари орасида илдиз отди ва маълум ғоявий - фалсафий йўналиш тарзида қарор топди.

Жадидчиликнинг асосий ғоявий йўналиши Туркистоннинг мустақиллиги ва маънавий юксалишини, халқни жаҳон цивилизацияси эришган муваффақиятлардан баҳраманд этишни, инсон эрки ва камолотини назарда тутар эди. Жадидларнинг мафкура соҳасидаги асосий талаб ва вазифалари қуйидагилардан иборат эди:

1) дунёвий адабиётларни халқ оммаси ўртасида кенг ёйиш;

2) дунёвий, янги усулдаги мактабларни жорий қилиш;

3) халқ маорифининг ўрта аср тизимини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган дунёвий маориф тизими билан алмаштириш;

4) цензурани заифлаштириш, матбуот эркинлигини жорий этиш, диний фанатизмга қарши кураш олиб бориш;

5) иқтисодиёт ва маъмурий соҳада солиқларни камайтириш... .

Жадидларнинг кўзга кўринган вакиллари: Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Сидқий Хондайлиқий ва бошқаларнинг асосий мақсад ва вазифалари, биринчи навбатда, маърифат, мактаб, илм ва инсон тарбияси камолоти, замонавий маданиятни юксалтириш каби миллат маънавий истиқболи билан боғлиқ масалалар бўлган. Улар «усули жадид» мактаб тизимини ҳаётга татбиқ этиш ва шу туфайли миллатни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқишни мақсад қилиб қўйганлар.

Ўз замони жадидлар бошига нечоғлик қора булут кўланкаларини ташлаган бўлса, эндиги замон яна уларни

қайтадан «тирилтириб», ўз халқига қайтариб бермоқда. Миллат мустақиллиги, тафаккур эркинлиги ва миллий истиқлол мафкураси шуни тақозо этади.

Президентимиз ёзганидек, «жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим".[1]

Дарҳақиқат, миллий истиқлол мафкурасининг асосий мезони республикамизда яшаётган барча халқларнинг эркин ривожланиши, дўстлиги ва ҳамкорлиги, тенглиги учун шароит яратишдан иборатдир.

Президентимиз фалсафа, тарих, сиёсатшунослик, мафкура оламида янги концепцияни ўртага ташлади. Бу кучли давлат ва кучли жамият қуриш муаммосидир.

Юқорида қайд этганимиздек, тарихда кўпгина давлатлар ўз мустақиллигига турли инқилобий йўллар билан эришганлар. Шу жумладан, узоқ ўтмишда Амир Темур, Бобур каби алломалар янги давлат ва жамият қуриш учун кўп қонли урушларни бошдан кечирганлар.

Мустақил Ўзбекистон давлатини қуришда Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан халқ онги, тушунчаси, ғурури, миллий анъаналарни тиклашга катта аҳамият берилди. Бу фаолиятлар ўз-ўзидан давлатнинг мустаҳкамланишига омил бўлди. Биринчи кундан бошлабоқ давлат ва халқ ўртасидаги зиддиятлар бартараф этилди. Янгича идрок ва маъсулият ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг асосий вазифасига айланди. Ўзбек халқи менинг давлатим, менинг мамлакатим, менинг ватаним деган туйғу билан давлат тизимига ўз муносабатини билдирди. Бу - катта воқеадир. Ана шуларни кўзда тутиб, Президентимиз «Ўзбекистон- келажаги буюк давлат» деган фикрни ўртага ташлади. Шу сабабли кучли давлат тузиш, уни янада мустаҳкамлашга объектив ва субъектив шарт-шароитлар етилди.

Кучли давлат тушунчаси Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан бўлган суҳбатида янада ойдинлаштирилди.

Авваламбор, кучли давлат:

1. Кучли бошқарув тизимига эга бўлиш. Конституцияга асосланган ҳолда иш юритиш;

2. Бюрократик бошқарув тизимидан, субъективизмдан холос бўлиш;

3. Кучли мудофаага эга бўлиш;

4. Ишлаб чиқаришнинг жабҳаларини юксалтириш;

5.Халқнинг моддий-иқтисодий аҳволини яхшилаш ва унинг фаровонлигини ошириш;

6.Мамлакат ва миллатнинг интеллектуал потенциалини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш;

Мана шу тамойилларнинг жорий этилиши кучли давлат яратишга йўл очади.

Кучли жамиятнинг барпо этилиши ва мустаҳкамланиши қуйидаги омилларга боғлиқдир.

1.Ҳаётнинг ҳамма томонларида демократик тамойилларни кучайтириш;

2.Инсон манфаатларининг устиворлигини таъминлаш;

1 И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 1998 йил, 24-сон.

3.Мафкуравий яккаҳокимликдан воз кечиш ва мустақиллик мафкурасини халқнинг асосий тараққиёт ғояларини ифодаловчи инсонпарвар ғоя сифатида идрок этиш. Шу муносабат билан Президентимиз «Тафаккур» журналида кучли жамиятга ўтиш босқичини қуйидагича таърифлайди: «Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари астасекинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади".

Жамиятнинг кучлилиги кучли ижтимоий сиёсат олиб боришидадир. Бу масалада қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

а) ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар тақдири ҳақида қайғуриш;

б) мулкчиликка бўлган муносабатни ўзгартириш; шахсий манфаатдорлик, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

в) ҳар бир миллатнинг буюклиги унинг миллий қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш билан боғлиқлиги-(Нақшбанд, Чўлпон, Абдулла Авлоний каби алломаларнинг ҳаёти ва ижодига бўлган муносабат, уларнинг пок руҳларини шод этиш мақсадида турли тадбирларнинг ўтказилиши бунинг ёрқин мисолидир);

г) халқда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларининг кучайиши;

д) бутун жаҳонга очиқ жамият тарзида муносабатда бўлиш.

Республика олдида турган яна бир энг муҳим муаммо табиатни муҳофаза қилиш ва экология масаласидир. Ҳиндистон ва Покистон давлатларида ядро қуролларини синашга қарши чиқиш ва уларнинг олдини олиш, кенг сиёсий ишларни олиб бориш энг муҳим вазифадир.

Шу жараёнлар натижасида кучли давлат ва жамият барпо этиш мумкин. Бу икки фаолият бир-биридан узилмаган ҳолда амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Президентимизнинг Ўзбекистонда кучли давлат ва кучли жамият қуриш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида янги саҳифа очади.

Миллий мафкура масаласи ҳозирги даврда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз пойтахти Тошкентда 1999 йилнинг 16 февралида бўлиб ўттан воқеалар аҳолини, биринчи навбатда ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялашни кучайтириш лозимлигини кўрсатди. Мустақил Ўзбекистоннинг миллий мафкураси инсониятнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш ва ижобий ўзлаштириш асосида ишлаб чиқилган. Яъни унда миллийлик билан умуминсоний жиҳатлар узвий равишда мужассамлаштирилган. Шу асосда халқимиз олдига аниқ вазифа қўйилган.

Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш учун жамиятимизда демократик, инсонийлик тамойил қоидаларининг устиворлигига эришиш, бу йўналишдаги ишни янги поғонага кўтариш зарур. Ўшандагина жамият аъзоларида, айниқса, ёшларда фундаментализм ва ваҳобийликнинг реакцион моҳиятига қаршилик кўрсатиш иммунитети кучаяди.

# ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР 1/2000

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ



***Бош муҳаррир:***
Комилов А.Ҳ.

***Таҳририят аъзолари:***
Абдураззоқов С.Қ.
Абдуғаниев А.А.
Алимов Ш.О.
Кўчимов Ш.Н. *(масъул котиб)*
*Маликов Т.С. (бош муҳаррир ўринбосари)*
Одилқориев Ҳ.Т.
Турсунмуҳаммедов С.П.
Фармонов Р.Ф.
Хўжаев Б.А.
Шодиев Р.Ҳ.
Ҳидоятов Г.А.
Ҳоназаров Қ.Ҳ.



***ТЕЛЕФОН: 671703; 670707***
***ФАКС: 670900***
***ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:***
***700113, Ташкент,***
***Буюк Ипак йули, 54.***



***Нашр тайёрловчилари:***

*Нашр бўлими мудири*
*Т.Ю.Шамшаров*

*Илмий бўлим мудири*
*И.З.Абдуллаев*

*Муҳаррирлар:*
*И.Н.Касачев*
*С.Матчонов*

*Оригинал-макет:*
*И.А.Семенюк*



***ТЕЛЕФОН: 671703; 670707***
***ФАКС: 670900***
***АДРЕС РЕДАКЦИИ:***
***700113, Ташкент,***
***Буюк Ипак йули, 54.***



***Номер подготовили:***

*Зав. редакционно-издательским отделом*
*Шамшаров Т.Ю.*

*Зав. отделом науки*
*Абдуллаев И.З.*

*Редакторы:*
*Касачев И.Н., Матчонов С.*

*Оригинал-макет: Семенюк И.А.*



ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади. Кўчириб босилганда «Халқаро муносабатлар» журнали кўрсатилиши шарт.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёзмалар, суратлар қайтарилмайди.



**Ушбу нашр 1999 йил 1 март**
**00254 - рақам билан қайд этилган.**

*Формат 70x100 1/16. ҳажм 6 б.т.*
*Нусха сони 500. Келишилган нархда.*
*ЖИДУнинг нусха кўпайтириш*
*бўлимида чоп этилди.*
*700113,Тошкент ш.,Буюк Ипак йўли, 54.*



Перепечатка без разрешения УМЭД не допускается. При перепечатке ссылка на журнал «Халқаро муносабатлар» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов публикуемых статей

Рукописи, фотографии, рисунки не возвращаются.



**Регистрационный номер 00254**
**от 1 марта 1999 года.**

*Формат 70x100 1/16. Объем 6 п.л.*
*Тираж 500. Цена договорная.*
*Отпечатано РИО УМЭД.*
*700113, Ташкент, Буюк Ипак йули, 54*



***© Халқаро муносабатлар, 2000.***

# ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

UWED